



Хаворижларга карши кураш

75-хижрий йил Рамазон ойининг 19 (ёки 20) санасида (695 йил 11/12 январь) Куфа якинида (Ирок) халифа Абдулмалик ибн Марвон кўшинларининг Хавориж-азракийларга карши конли жанги бўлиб ўтди. Уммавийлар кўшинини икки буюк кўмондон – ал-Мухаллаб ибн Абу Суфр ва Абдуррахмон ибн Михнаф ал-Хамидий бошқарган. Бу жанг давомида Абдуррахмон ибн Михнаф – Расулulloх соллalloху алайхи васаллам сахобаларидан бири, Михнаф ибн Салим ал-Аздийнинг ўгли – исёнчилар хужумларини матонат билан қайтарган ва шахид бўлган. Бирок бу улкан йўқотиш халифа бошчилигида мусулмонларнинг азракийлар чиқишларига барҳам бериш борасида катъиятига путур етказа олмади. Орадан икки йил ўтиб, Абдулмалик ибн Марвон мазҳабчилар кўзголонни

бостирди, халифаликнинг хаворижлар путур етказган давлат бирлигини тиклади. Абдулмалик даврида ташкил этилган халифаликдаги баркарорлик ва кучли марказий ҳокимият унинг вориси ал-Волидга улкан галабаларни қўлга киритиш ва халифалик чегараларини янада кенгайтириш имконини берди. Мусулмонларнинг кейинги галабалари сабабига нафакат ташки, балки ички душманларга қарши курашган саркардалар ҳам катта хисса қўшдилар.

Хижрий 70-йилларда хаворижларнинг исёнчилик ҳаракатлари фаоллашди. Бу мазҳабчилар исёнкорлик фаолиятида партизанча уруш усулларида фойдаланиб, мусулмонлар яшайдиган жойларга қўкисдан ҳужум қиларди, халифа қўшинлари яқинлашиши билан эса дарров ҳафвсиз жойларга қочарди. Улар жойлашган асосий жой Басра яқинидаги боткокли ва юриш қийин бўлган жойлар бўлган. Уруш ҳаракатлари давомида уларда жафокашларга сизиниш ҳосил бўлган ва улар учун интиком олишга чақирганлар. Бу мутаассиблар қўлидан юз минглаб мусулмонлар ҳалок бўлган.

Халифаликдаги баркарорлик шариат қонун-қоидаларига амал қилиш билан таъминланарди. Фақат хаворижлар тинчликни бузарди, мусулмонларнинг «мўминлар» ва «динсизлар»га бўлган ажратилиши туфайли улар фақат ўзларининг қабил ақидаларини қабул қилмагани учунгина беғуноҳ одамларни ўлдириб, оғир жиноятлар қилардилар. Сиёсий бекарорлик даврида улар Басра ва Эроннинг айрим жойларида вақтинчалик мустаҳкамланишга муваффақ бўлдилар. Бироқ Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Абдулмалик ибн Марвоннинг ҳужумлари натижасида улар барча мавқеларини йўқотдилар.

Қуйида ҳикоя қилинадиган Хаворижлар билан курашлардан бир эпизод уларнинг энг радикал мазҳабларидан бири – азракийлар чиқишлари вақтида қўй берган. Азракийлар ўз издошларини қонуний ҳокимиятга қарши қуролли курашда иштирок этишга мажбур қиларди. Жангдан бўйин товлаганлар қофир деб эълон қилинарди ва ўлдириларди. Азракийлар уларнинг эътиқодларига қўшилмаганларни ҳам қофирлар деб эълон қиларди, мусулмон аёллар ва болалаларни ҳам ўлдиришга руҳсат берарди. Улар бидъатларининг энг радикал постулатларидан бири оғир қуноҳ қилган ҳар қандай мусулмонни абадий Жаҳаннам ўтида азобланишга мажбур бўлган қофир деб эълон қилиш бўлган.

Хаворижлар исёнини бостириш учун 75-ҳижрий йил халифанинг Ироқдаги ноибни этиб тайинланган Хажжож ибн Юсуфга кенг ваколатлар берилди. Унинг тавсиясига қўра шарқдаги вилоятлар – Басра, Куфа, Хуросон, Сейистон ва бошқаларга ҳокимлар тайинланади ва унинг буйруқларига бўйсунуши лозим бўлади.

Имом ат-Табарий ўзининг “Тарих ар-Русул ва ал-Мулк” китобида ёздики: “Ал-Мухаллаб ва Абдуррахмон ибн Михнафга қуйидаги сўзлар битилган Хажжожнинг мактуби етказилади: “Бу хатни олишингиз билан хаворижларга қарши юришга чиқинг!” Шунда улар чоршанба куни, 75-ҳижрий йил Рамазон ойи тугашидан 10 кун олдин йўлга тушадилар. Улар орасида мисли қўрилмаган оғир жанг бошланади. Бу кун ярмидан оққанда қўй беради. Хаворижлар барча қучларини ал-Мухаллаб ибн Абу Суффрага қарши ташлайди ва уни чекинишга мажбур қиладилар. У Абдуррахмонга ишончли одамларини юбориб, қуйидаги хабарни етказадилар: “Ал-Мухаллаб сенга «Душманимиз бирдир. Мусулмонлар бошига нималар тушганлигини қўрдинг. Шундай экан, биродарларингга мадад юбор, Аллоҳ раҳмат қилсин» деди”. Шунда Абдуррахмон бирин-кетин мадад – отликлар ва пиедаларни юборишни бошлайди. Қунботар пайт келганда эса хаворижлар ал-Мухалладнинг лагерига Абдуррахмон лагерига ёрдам бериш учун келган отликлар ва

пиёдаларни кўрдилар. Ал-Мухалладнинг кучлари тугади деб тахмин килиб, улар беш ёки олтита батальонни ал-Мухалладга карши кўядилар. У душман унга карши келаётганини кўриб, корилар куршовида ўзи уларга карши чиқади. Кориларни Абдуллох ибн Маъсуднинг сафдоши, Зайд ибн Али билан биргаликда Наср ибн Хузейма ал-Абсийнинг отаси Абу ал-Ахвас бошқариб боради. Шунингдек, Абдуррахмон билан биргаликда у саралаб олган 71 киши жангга чиқади. Хаворижлар уларга ташланадилар ва ўртада шафкатсиз жанг бошланади. Одамларнинг бир қисми Абдуррахмонни тарк этади, лекин у охиригача ўзи билан колган энг саботли жангчилар билан колди. Унинг ал-Мухалладга ёрдамга жўнатилган жангчилар орасида бўлган ўгли Жафар ибн Абдуррахмон одамлардан отасига ёрдам беришни сўрайди, лекин кам сонли одамлар унга жавоб берадилар ва эргашадилар. У отасига етай деб колганида хаворижлар унинг йўлини тўсадилар. Жафар хаворижлар уни яралагунча отасига томон ҳаракат килиб, шиддатли жанг қилади. Абдурахмон ибн Михнаф ўз жангчилари билан бир тепалик устида позиция эгаллаб, бутун гуруҳи билан ўлдирилгунга қадар кечанинг учдан икки қисми давомида жанг қилди. Эртаси куни эрталаб ал-Мухаллаб жанг майдонига келиб Абдурахмоннинг жонсиз жасадини кўрди. Уни жаноза намози билан дафн қилди". Бу жанг хаворижларга карши кураш эпизодларидан бири эди, холос. Бирок айнан шундай жанглар оқимлар устидан бўлажак галабага замин бўлиб хизмат қилди. Абдурахмон ибн Михнаф ва биз билмайдиган бу урушнинг бошқа қаҳрамонлари Аллох динининг зафари ва Ислоҳ Уммати кучларини ҳали ҳам ичларидан путур етказадиган ҳавфли бидъатни бостириш учун жон бердилар.

Абу Муслим таржимаси